



УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ТАРИХИ

Тураев Эшон Амиджонович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация. Мақолада уюшган жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, тарихи, тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрлари, уюшган жиноятчилик шакллари, ҳамда ҳозирда дунёда мавжуд баъзи бир трансмиллий уюшган жиноий гуруҳлар фаолияти ўрганилган.

Калит сўзлар: Уюшган, жиноят, жиноий уюшма, келиб чиқиш, мафия, якудза, триада, ўғри ва ташкилот.

ПРИЧИНЫ И ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ

Аннотация. В статье рассматриваются причины возникновения организованной преступности, ее история, мнения ученых, проводивших исследования, формы организованной преступности, а также деятельность некоторых транснациональных организованных преступных группировок, существующих в настоящее время в мире.

Ключевые слова: Организованный, преступность, преступное сообщество, происхождение, мафия, якудза, триада, вор и организация.

CAUSES AND HISTORY OF ORGANIZED CRIME

Annotation. The article examines the causes of organized crime, its history, the opinions of scientists who conducted research, forms of organized crime, as well as the activities of some transnational organized criminal groups that currently exist in the world.

Keywords: Organized, crime, criminal community, origin, mafia, yakuza, triad, thief and organization.

Ҳозирги вақтда жиноят ҳуқуқида жиноятнинг ташкилий тузилмаларини ифодаловчи жиноий уюшма, уюшган гуруҳ, жиноий ҳамжамият (жиноий ташкилот) каби бир қанча тушунчалар мавжуд. Таҳлиллар мазкур тушунчаларнинг бир қатор тизимли хоссалар ва хусусиятларга эга бўлган салбий ижтимоий ҳодиса эканлигини ва шундан келиб чиқиб, бундай турдаги жиноятчилик ўзаро узвий боғлиқ бўлган, ҳуқуқни самарали қўллашга тўсқинлик қилувчи тушунчалар эканлигини ва уларни ифодалашда айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам кўрсатиб бермоқда.



Уюшган жиноятчиликка берилган барча таърифлар дастлаб тавсифий характерга эга бўлиб, уюшган гуруҳларнинг умумий белгиларини акс эттиришга бўлган уринишлар кузатилган.

Аммо, вазиятнинг ўзгариши билан бундай тузилмаларнинг жиноий фаолияти, усул ҳамда шакллари ўзгариб борди ва бу ўзгаришларни тавсифловчи таърифлар мазмунида уюшган жиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятлари, йўналишлари ўз аксини топди[1].

Шу нуқтаи назардан, уюшган жиноятчиликнинг жаҳон миқёсидаги уюшганлик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоизки, ушбу ижтимоий иллат инсоният тараққиётига катта хавф туғдиришини ҳаёт тажрибаси яққол кўрсатмоқда. Яъни, уюшган жиноятчилик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, қолаверса, маданий соҳаларнинг ҳар бирида мавжудлиги, шу билан бирга ушбу йўналишларда содир этиладиган жиноятларнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлигини ҳам кўрсатди.

Энг муҳими, уюшган жиноятчиликка қарши курашда жаҳон ҳажамияти билан ҳамкорлик қилиш, уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликни таъминлаш давлат сиёсатида алоҳида ўрин тутаяди.

Жиноятчилик инсоният цивилизацияси билан бирга туғилди, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан бир қаторда жиноятчилик ҳам шаклланди, жиноятчиларнинг жиноий тажрибаси ортиб бориши натижасида уларнинг маҳорати (профессионаллашуви) ўсди, натижада, бир қатор гуруҳларнинг бирлашиши оқибатида жиноятчилик профессионал ва уюшганлик даражасига етди.

Маълумки, ҳеч бир миллат, ҳеч бир давлат ўз тарихида уюшган жиноятчилик шаклларида қочиб қутулмаган.

Уюшган жиноятчиликнинг келиб чиқиш тарихига оид қуйидаги айрим манбааларга тўхталиб ўтсак. Жумладан, *европада уюшган жиноятчилик қадимда уюшган жиноий гуруҳларга асосланган пиратлар - денгиз қароқчилари кирган.*

Дастлаб, денгиз босқинчилиги шаклидаги қароқчилик, денгиз савдоси билан бир вақтда пайдо бўлган. Навигация асосларини ўзлаштирган барча қирғоқ қабилалари денгиз босқинчилиги билан шуғулланган. Кейинчалик, цивилизация пайдо бўлиши билан қароқчилар ва савдогарлар ўртасидаги масофа, чегара узоқ вақт давомида шартли бўлиб қолган. Натижада, денгизчилар талон-тарож қилиш ва қўлга олиш учун хавфли бўлмаган жойларда савдо қилишган. Қадимги дунёнинг энг моҳир навигаторларидан бири бўлмиш Финикияликлар барча соҳаларда ўз маҳорат ва салоҳияти билан бошқалардан ажралиб турган.

Кейинчалик, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги савдо-ҳуқуқий алоқаларнинг ривожланиши билан қароқчилик энг оғир жиноятлардан бири сифатида эътироф этилиб, бу ҳодисага қарши биргаликда курашишга бўлган дастлабки уринишлар бошланди.



VIII-XI асрларда континентал Европанинг бутун қирғоқлари, Шимолий Африка ва Буюк Британиянинг ҳозирги жойлашган оролини Викинглар - замонавий Швеция, Дания ва Норвегия худудларидан келган муҳожирлар кўрқувда ушлаб туришган, улар ҳам кемаларда, ҳам шаҳар қирғоғида қароқчилик қилиб, талончилик хужумларини амалга оширганлар. Европада уларни норманлар, руслар эса викинглар деб аташган.

Замонавий Европада эса кўпгина уюшган жиноий гуруҳлар ўз мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатларидан кейин пайдо бўлган. Масалан; 1282 йилда французларга (Ангевинларга) қарши бўлган Сицилия Весперларидаги халқ кўзғолони даврида *Мафия* (итал. *Morte Alla Francia, Italia Anela*) “Францияга ўлим, эркин нафас ол, Италия” шиори билан машҳур бўлган.

Мафия, Сицилиядаги анархия ва давлат ҳокимият тузилмаларининг заифлиги даврида Бурбонлар сулоласи даврида ва Бурбонлардан кейинги даврда, Сицилия жамиятидаги муносабатларни тартибга солувчи тузилма сифатида шаклланган (шу билан бирга, Неаполда худди шундай жиноий тузилма – “Каморра” ташкил топган). Бироқ, мафия пайдо бўлишининг ижтимоий-сиёсий шартлари бундан анча илгари пайдо бўлган.

Каморра (Neapolitan уюшган жиноий тузулмаси) XVIII-асрда пайдо бўлган. Каморра даставвал жазони ижро этиш муассасасаларда жазони ўтаётган маҳкумлар ва муассаса маъмурияти билан маҳкумларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муносабатларни юмшатиш мақсадидан ташкил топган эди. XIX аср сўнгида эса АҚШда фаолият юритиб, кейинчалик италян-америка мафиясининг асосий оқимига айланган.

АҚШда уюшган жиноятчилик йирик шаҳарлардаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ маҳаллий ҳодиса сифатида вужудга келган. Алкогол ичимликларни таъқиқлаш қонуни даври бошланишидан олдин у фақат кичик шаҳарчаларда пайдо бўлган ва ўзининг салбий таъсирини бутун мамлакатга кенгайтирган. 1920 йилдан бошлаб, жиноий ташкилотлар ўсиб, ноқонуний алкогольга бўлган талабни қондириш учун ўз жиноий фаолиятини ўзгартира бошлаган. Натижада, алкоголь ичимликларини таъқиқлаш тўғрисидаги қонун билан уюшган жиноятчиликни “миллийлаштирди” ва Қўшма Штатлар бўйлаб этник жиҳатдан кичик гуруҳларни ўз жиноят турлари бўйича алоқаларни кенгайтириш ва ўрнатишга йўналтирди.

Уюшган жиноятчилик тўғрисидаги дастлабки илмий тушунчани 1931 йилда АҚШ давлати илмий тадқиқотчиларидан бири Уолтер Липман тадқиқ этди. У оддий “кўча” ёки «умумжиноий» талончилик хусусиятига эга бўлган жиноятчиликдан фарқ қилувчи уюшган жиноятчиликни “маълум хизмат ва мол” тақдим этиш билан боғлиқ, деган хулосага келди[2]. Бир сўз билан айтганда, ўта ривожланган уюшган жиноий тузилмалар ўз мамлакатларида ҳукуматга қарши бошқарув органларини тузиб олишган ва улар ўзларига бошқа



давлатларда ҳам таянч нуқталарини ташкил қилишга ҳаракат қилишганлигини кўриш мумкин.

Осиё давлатларидаги уюшган жиноятчиликнинг энг юқори чўққиси Хитой давлати уюшган жиноятчилигининг асосчиси - триада – будпараст “Байляньцзяо” (“Оқ лотос иттифоқи”) сектаси бўлиб, у XII-асрнинг бошларида пайдо бўлган ва унинг келиб чиқиши тарихи қадимги ташкилотлардан бири V-аср бошларида ташкил этилган “Лянипе” ёки “Лотос жамияти”га асосланган. XIV асрнинг иккинчи ярмида “Оқ лотос” Хитойдаги бошқа яширин будпараст секталар билан қўшилиб, мўғулларнинг Юан сулоласига қарши қуролли курашда фаол иштирок этган ва оммавий ташкилотга айланган. Кейинчалик, Мин сулоласи даврида (1368-1644) Байляньцзяо сектаси аъзолари мамлакатнинг турли вилоятларида ҳукуматга қарши кўзғолонларни уюштирадilar.

Ҳозирда Хитой *“Триада”*си асосан Гонконг ва Тайван шаҳарларида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Умуман олганда, ушбу гуруҳга тегишли 50 га яқин турли хил ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг сони, турли ҳисоб-китобларга кўра, 160 дан 300 минг кишигача етган. Қаттиқ иерархик тузилишга қарамай, жиний фаолиятини бевосита амалга оширадиган триадалар алоқалари ташқи шароитларга мослашиш, тузилишини ўзгартиришга қодир бўлган мослашувчан тармоқ тизимининг бир қисми сифатида қаралади. Триадалар товламачилик, гиёҳванд моддалар савдоси, фоҳишалик, қимор ўйинлари билан шуғулланадилар ва АҚШга героин моддасини етказиб берувчи асосий жиний ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Япониялик “Якудза” (“борекудан”, “бориокудан”). Қадим замонлардан бери япон феодаллари душманга қарши очиқ кураш олиб борадиган самурайлар ёки кўзга кўринмас ва беозор ижрочилар қиёфасини сақлаб, айёрлик билан ҳаракат қиладиган якудза хизматларига мурожаат қилишган. Асосан, якудзаларнинг тузилиши, анъаналари ва қонунлари Эдо даврида (1603-1868) ривожланган ва замонавий борекуданларнинг аждодлари XVII асрда текия ва бакуто гуруҳларидан пайдо бўлган[3].

Колумбия наркoкартеллари эса, асосан гиёҳванд моддалар бизнеси билан шуғулланадилар, улар жаҳон бозорига кокаиннинг асосий етказиб берувчилари ҳисобланади (80% гача). Энг машҳур картел Меделлин ва Кали шаҳарларида мавжуд бўлган. Меделлин картели Пабло Эскобар ва Очао оилалари томонидан, Кали картели эса Сантакруз ва Родригес Орихуэлла оилалари томонидан ташкил этилган. Картелларнинг бошқарув даражаси қатъий иерархик схема бўйича қурилган, қуйи даражада эса алоҳида ячейкалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум турдаги жиний фаолият билан шуғулланган ва картелнинг бошқа операцияларидан хабардор бўлмайди. 1990-йилларнинг охирида Колумбия полицияси ва бошқа мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мазкур карелларга қарши олиб борган қонуний саъйи-ҳаракатлари натижасида,



картеллар томонидан амалга оширилган жиноятлар ҳажмининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келган, аммо бу бўш жойлар кичикроқ жиноий гуруҳлар томонидан тез орада тўлдирилган.

Россиянинг жиноий дунёсини ўрганган тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, XVIII-асрга келиб ўғрилар ва қароқчиларнинг бутун бир қишлоқлари бўлганлигини таъкидлаганлар. Жиноят оламининг ҳозирги кунгача сақланиб қолган “анъаналари ва қонунлари”нинг пайдо бўлиши худди шу даврга тегиш бўлган. XIX-асрга келиб, Россиянинг жиноий дунёси янада кучли, яхлит, бутун, жамоат тартиби ва қонунларига қарши турувчи катта бир кучга айланди. Жиноий фаолиятнинг профессионаллашуви юқори даражага кўтарилиб, жиноят оламининг ўзи ҳам юқори ривожланган ташкилот хусусиятларига эга бўлди. Бироқ “рус мафияси”нинг шаклланишига Россия империясида бозор ва кучли ҳарбий-сиёсий давлат ҳокимиятининг йўқлиги, жиноят қидирув ходимларининг профессионаллиги ва қаттиқ позицияси тўсқинлик қилди. Натижада, 1917 йилги инқилоб ва ундан кейинги воқеалар Россия жиноят оламидаги вазиятни тубдан ўзгартирди. Инқилобдан кейинги дастлабки йилларда кўплаб профессионал жиноятчилар озод қилинди ва шу билан бирга собиқ жандармерия зобитлари ва мағлубиятга учраган Оқ армия офицерлари уюшган тўдаларга бирлашдилар. 1920-йилларнинг охирига келиб, жиноят оламида таъсир доираларини тақсимлашда маълум бир инқироз юзага келди. Турли гуруҳлар ўртасидаги доимий тўқнашувлар ўғриларнинг “қонунлари”ни янада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этди. Натижада ўтмишдаги анъана ва урф-одатлар асосида ягона ўғрилар “қонуни” вужудга келди, унга кўра энг обрўли жиноятчилар “қонундаги ўғрилар” деб атала бошланди.

1930-йилларнинг ўрталаридан сиёсий террор билан бир қаторда профессионал жиноятчиларга нисбатан репрессив чоралар кучайтирилди. Жиноий дунё яна яширин фаолият олиб боришга ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан омон қолиш учун курашишга мажбур бўлди. Хрушчевнинг “илиқлик” даврида жиноий жазони либераллаштириш, биринчи иқтисодий ислохотларга уринишлар жиноят оламини ўз йўналишини ўзгартиришга ундади. Жиноятчилар тўдаларидан ташкил топган “эски” профессионал жиноятчилик янги ижтимоий шароитларда ривожланган буржуа мамлакатларидаги ана шундай ҳодисага жуда ўхшаш сифат жиҳатидан бутунлай бошқача тузилишга эга бўлди. Биринчидан, ташкилотнинг тармоқ тузилмаси пайдо бўлди, унда гуруҳлар ўртасида соҳалар ва ҳудудлар бўлиниши мумкин ва ҳатто муқаррар эди. Иккинчидан, умумий жиноятчиларни ташмачилар билан боғлаш, ҳар иккаласи ҳам давлат аппарати вакиллари билан бирлашиши содир бўлди. Учинчидан, уюшган жиноятчилар гуруҳлари нафақат иқтисод, ҳатто сиёсатга ҳам кириб келди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб жамиятда юқори даражада уюшган ғайриижтимоий кучлар: партия-давлат бюрократиясининг коррупциялашган



қисми ва мафия тузилмалари мавжуд эди. Уюшган жиноятчиликнинг кўлами аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодийнинг аниқ соҳаларини қамраб олди. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги туб ўзгаришлар даврида, капиталнинг дастлабки тўпланиши, аҳолининг даромадлари бўйича кескин табақаланиши, алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари, стандартлари ва шакллари ўзгарганда, жиноятчиликнинг кўпайиши содир бўлиши муқаррар ҳодиса эканлиги яққон намоён бўлди. Ўтган асрнинг 80-йиллари сўнгида маҳаллий тадқиқотчилар собиқ Иттифоқда уюшган жиноятчиликнинг мавжудлиги ва фаолиятини асослаб беришди[4] ва ушбу ҳодиса бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни бошладилар. 1989 йилда бу муаммо биринчи марта илмий форум – “Ҳуқуқий адабиёт”[5] нашриётининг “давра суҳбати” доирасида очиқ муҳокама қилинди.

Жумладан, уюшган жиноятчилик даражаси ва шаклларини аниқлашда криминолог олимлар И.Г. Галимов ва Ф.Р. Сундуrow бундай шаклларнинг қуйидаги рўйхатини таклиф қилишган: - уюшган гуруҳлар (ёпиқ жиноий ташкилотлар); - жиноий уюшмалар (туман, шаҳар, вилоят ичидаги жиноий ташкилотлар ва уюшган гуруҳлар бирлашмалари); - жиноий уюшмаларнинг минтақалараро бирлашуви; - Россия бўйлаб жиноий уюшмалар; - трансмиллий жиноий уюшмалар ва бошқ[6].

Аmmo бу рўйхатга унинг шакллари эмас, балки уюшган жиноятчилик даражаси киритилган деган фикрдамиз. Агар уюшган жиноятчилик шаклларини батафсил таҳлил қиладиган бўлсак қуйидаги тасниф мақбул кўринишга эгадир. Яъни, *биринчи шакл* - маълум бир ҳудудда (шаҳар, туман, вилоят, республика ва бошқалар) фаолият юритувчи, оддий жиноятларни содир этувчи уюшган гуруҳлар; *иккинчи шакл* - маълум бир ҳудудда жойлашган уюшган гуруҳлар ва улар оддий жиноятлардан ташқари, иқтисодий жиноятлар билан ҳам шуғулланидилар ва коррупционер амалдорлар билан алоқада бўладилар. Бу гуруҳлар ҳам тижорат ташкилотларининг, ҳам уларнинг раҳбарларининг иқтисодий ва ғаразли манфаатларига асосланган минтақалараро алоқаларга эга бўлишади. Гуруҳ лидерлари - кўпинча давлат органларида масъул лавозимларни эгаллаб турган, муқаддам судланган ёки судланмаган шахслардир. *Учинчи шакл* - озодликдан маҳрум қилиш жойларида фаолият юритувчи уюшган гуруҳлар. Мазкур гуруҳлар маҳкумлар ўртасида ўғрилиқ анъаналарини сингдириш, жазони ўтаётган шахслар, ахлоқ тузатиш муассасаси ходимларига нисбатан жиноятлар содир этилишини ташкил этиш, уларни кўрқитиш, ҳужум қилиш, репрессия ва пора олиш йўли билан янада жиноий мақсадларда фойдаланиш учун фаол ишлар олиб боришади. *Тўртинчи шакл* - минтақалараро алоқалардан фойдаланган ҳолда жиноят содир этишга мўлжалланган уюшган гуруҳлар. Мазкур гуруҳлар турли минтақалардан келган шахслардан иборат. *Бешинчи шакл* – “сайёҳ жиноятчилар” (гастролёр) деб аталадиган уюшган гуруҳлардир. Бу гуруҳлар бошқа ҳудудларга бориб келиш



билан боғлиқ жинойтларни содир этиш билан тавсифланади. Ушбу гуруҳлар, маҳаллий уюшган гуруҳлар ва “қонундаги ўғрилар” билан алоқаси бўлади. Улар қуйидаги жинойт ҳаракатлар билан тавсифланади: ўғирлик, талончилик, босқинчилик, товламачилик, қотиллик. *Олтинчи шакл* - транспортда фаолият юритадиган уюшган гуруҳлар. Улар умумий жинойтларни ҳам, иқтисодий фаолият соҳасидаги жинойтларни ҳам содир этадилар. *Еттинчи шакл* - уюшган банда йўналишидаги гуруҳлар. (*Ўзбекистон ССРнинг 1961 йил 30 майда қабул қилинган жинойт қонунда уюшган гуруҳ банда деб берилган*) Бундай гуруҳлар қурол, транспорт воситалари, тегишли тайёргарлик, алоқа воситаларига эгаллиги ва ўта шафқатсизлиги билан ажралиб туради. *Саккизинчи шакл* - халқаро алоқаларга эга уюшган гуруҳлар. Бундай гуруҳлар маълум бир ҳудудда жойлашган бўлса-да, хорижий давлатларда фаолият юритаётган жинойт гуруҳлар билан доимий алоқада бўлишади. *Тўққизинчи шакл* - тижорат ва банк тузилмалари орқали жинойт даромадларни легаллаштириш, иқтисодий характердаги ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг уюшган гуруҳлари ҳисобланади.

Уюшган тузулмалар иерархиясида қонун ўғрилари энг мослашувчан ва айна пайтда барқарор бўлиб, унинг энг юқори поғонасида турган. Эндиликда бу тузулма қандайдир сиёсий тус ола бошлади, чунки у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мамлакатда тўғри қонун-тартибот ўрнатиш бўйича нормал фаолиятига жиддий тарзда қаршилиқ кўрсатмоқда. Аммо бундан ҳам каттароқ хавф шундан иборатки, “қонун ўғрилари” фаолиятида халқаро жинойт элементлари пайдо бўла бошлаган, бу уларнинг 70-йилларнинг боши ва ўрталарида у ерга эмиграция қилган жинойт оламининг айрим вакиллари билан алоқасидан далолат беради[7].

2000 йил бошида собиқ Иттифоқ республикаларида 740 нафар “қонундаги ўғрилар” бўлган, улардан 380 нафари Россияда, шу жумладан 53 нафари Москвада яшаб, маҳаллий жинойт гуруҳлар билан яқиндан ҳамкорлик қилган. Уюшган жинойт фаолиятни мувофиқлаштириш учун фақатгина 1994 йилда 413 та “ўғрилар йиғини” бўлиб ўтган, уларда 6 мингга яқин киши қатнашган. Йиғинлар, қоида тариқасида, йирик шаҳарларда ва уларнинг чекка ҳудудларида, жумладан, курорт ҳудудларида тўй, юбилей ва ҳ.к.лар сифатида ўтказилган.

“Уюшган жинойтчилик” жинойт белгиларидан бири сифатида тушунилади, бу унинг тартибли шаклларда намоён бўлиш мумкинлигини англатади. Уюшган жинойтчилик - жинойт тартибнинг энг юқори кўринишидир.

Бир қатор луғатлар тўпламининг таҳлилидан маълум бўлдики, “уюшиш”, “уюшганлик”, “ташкilot”, “ташкил этиш” сўзлари ўзига хос равишда бир маънони, яъни кишиларни маълум бир тартиб ва қоидалар асосида қўйилган мақсадга эришиш учун ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишларини англатади.

Бу албатта умумий бўлиб, агар ушбу умумийликдан айнан шу жинойтчилик билан боғланганлик ҳолатини кўриб чиқадиган бўлсак, унда “уюшган



жиноятчилик” жинойй мақсадга етиш учун жинойй фаолият кўрсатувчи шахслар гуруҳидир. Яъни, бу каби гуруҳ асосан жиноятчилардан таркиб топган бўлади.

Профессор В.Д. Малковнинг берган тарифига кўра, “уюшган жиноятчилик” атамаси уюшган жиноятларнинг ажралмас мажмуини англатиши керак, чунки алоҳида содир этилган жиноятлар, гуруҳли ва уюшган бўлиши мумкин. У умумий, хусусий ва бирлик орасида оралиқ ўринни эгаллайди, умумий (жиноятчилик) ва бирлик (жиноятлар) хусусиятларини акс эттиради[8].

Шу билан бирга, ушбу тушунча кенг маънода ўқув ва илмий адабиётларда қўлланилаётганлиги билан бир қаторда, тор маънода жиноят қонунчилигида, юқорида айтиб ўтилганидек, аниқ маънога эга ҳамда жиноятларни очиш жараёнида муҳим бўлган ва исботланиши лозим бўлган ҳолатни ҳам билдиришини эътиборга олиш лозимдир.

Шундай экан, ушбу атама остида тушуниладиган қилмишни ким ва қандай содир этишини билиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда тадқиқотчи А.А. Таштемиров қуйидаги фикрларни билдиради, яъни: “Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда тезкор суриштирув ишларини самарали ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу турдаги жиноятлар ўзига хослиги билан бошқа жиноятлардан кескин ажралиб туради. Шунинг учун бу ерда жиноятчининг шахсига аниқлик киритиш жиноятнинг содир этилишда асосий ўринга эга. Бунинг учун эса тезкор қидирув тадбирларини ўз вақтида ва самарали қўллаш талаб этилади”[9]. Бундан маълум бўладигани, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ИИОлари ходимлари томонидан амалга ошириладиган тезкор қидирув тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши билан боғлиқ. Масаланинг шу жиҳатини Г.А.Мирсалихованинг “...тезкор тадбирлар жараёнида ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”[10] лозимлиги бўйича билдирган фикрларида ҳам кўриш мумкин.

Хулоса сифатида, мазкур мақоланинг мақсади сифатида белгиланган уюшган жиноятчилик тушунчасига бўлган ёндашувларнинг ифодаланиши юзасидан қуйидагиларни қайд этиш мумкин, рус тилида қўлланилаётган “организованный” ёки “организация” каби иборалар ҳам ўзининг туб ва кўчма маъносига эгаллигини кўриш мумкин. Биринчи ҳолда “организованный”, яъни “ташкил этилган” маънони билдириш билан бир пайтда, бу ҳаракат ким томонидан амалга оширилганлигини ҳам ифодалаб, биз кўриб чиқаётган ҳолатда шахснинг аниқ жинойй қилмишини билдиради.

Шу боис, ўзбек тилида қўлланилаётган “уюшган жиноятчилик”ни уюшган гуруҳларни ташкил этишни амалга оширган шахс жинойй қилмишининг якуни сифатида ҳамда умуман жиноятчиларнинг жинойй мақсадларни амалга ошириш учун бирлашганлик ҳолатларини ифодалашда ҳам қўллаш ўринлидир.



Яна бир ҳолат, рус тилидаги “организация” тушунчаси ҳам ўзига хос туб маънони ифодалайди: 1) маълум бир қатъий тизим асосида шаклланган у ёки бу нарсанинг тузилиши, таркибини билдирувчи умумий тушунча сифатида; 2) жамиятда мавжуд бўлган аниқ мақсад ва моҳиятга эга бўлган шахслар гуруҳи тушунилади. Яъни, бирлашмалар, давлат ташкилотлари, муассасалар каби.

Кўриниб турибдики, ушбу ибораларнинг туб маъносидан келиб чиққан ҳолда “уюшган жиноятчилик”ни фақат маълум бир тоифадаги шахслар гуруҳининг ўзаро бирлашиши сифатида кўриб чиқиш асло мумкин эмас ва бу ўринда “жиной гуруҳ”лар, “жиной уюшмалар”, “жиной тузулмалар” ва шахснинг ушбу гуруҳларни тузишга қаратилган жиноий қилмишларини ҳам ўз ичига олувчи барча жиноий фаолиятларни умумий маънода “уюшган жиноятчилик” тушунчаси сифатида ўрганиш катта аҳамиятга эга. Айни пайтда у жиноят ҳуқуқида шахснинг жиноий қилмишини тўғри квалификация қилишга ҳам имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Криминология / под ред. А.И. Долговой. М., 2007. С. 501.
2. Klaus von Lampe. Definitionsof Organized Crime (англ.). — Более 100 определений понятия «организованная преступность», собранных Клаусом фон Лампе. Дата обращения: 28 июня 2008. Архивировано 15 марта 2012 года.
3. Евстифеева Е. В. Организованная преступность и торговля людьми: криминологический и уголовно-правовой анализ Архивная копия от 1 октября 2008 на WaybackMachine; Криминология: Учебник / Под ред. В. Н. Кудрявцева и В. Е. Эминова. 3-е изд., перераб. и доп. М., 2005. С. 366 -368.
4. Щекочихин Ю., Гуров А. “Лев прыгнул”. Диагноз: организованная преступность. Проведены первые исследования / Литературная газета. 1988. 20 июля; Щекочихин Ю., Гуров А. Прыжок льва на глазах изумленной публики / Литературная газета. 1988. 28 сентября. Гуров А.И. От эмоций к фактам // Социалистическая законность. 1988. № 10. С. 34.
5. Организованная преступность. Проблемы, дискуссии, предложения. «Круглый стол» издательства «Юридическая литература» / под ред. А.И.Долговой, С.В.Дьякова. М., 1989 г.
6. <https://www.dissercat.com/content/problemy-borby-s-organizovannoi-prestupnostyu-po-materialam-resp-tatarstan>.
7. Проблемы борьбы с организованной преступностью и коррупцией. М. 1995. //Сборник научных трудов.
8. Малков В.Д., Организация деятельности ОВД по предупреждению преступлений: Учебник/ М.: Академия управления МВД России, 2000. С.
9. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий



жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.

10. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмий мақола //Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo>. – Т. 7262974.